

Ҳуррият БОБОНАЗАРОВА

МУҲАББАТ
НАШИДАСИ

(Шеърлар)

«ANDIJON NASHRIYOT--МАТВАА»
очиқ акциядорлик жамияти
2005

84(59)6-5

Бобоназарова, Ҳуррият.

Мұхаббат нашидаси. Шеърлар. - Андижон. «ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA» ОАЖ. 2005 йил. 36 бет.

Андижон вилояти-

нинг З.М.Бобур

номли кутубхонаси

84 (5-Ўз)

Б-72

© X. Бобоназарова. 2005

© «ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA» ОАЖ. 2005



СЎЗ БОШИ

Хуррият Бобоназарова бу ёруг оламнинг ранглари, жилоларини қалб кўзи, кўнгил уфқлари орқали тасаввур этади ва шеърларига муҳрлайди. Унинг шеърий олами кенг, бегубор: ғазгулик, меҳру оқибат, садоқат, одамийликнинг синоатлари, яхшилил боғларини тараннум этади. Шеъриядда баркамолликка етиш осон эмас. Бунинг учун истак-ҳоҳишнинг ўзи етмайди.

Аввало, худо берган истеъдод бўлиши керак, қолаверса, чинакам шеър, ғазал, чукур билим, тинмай изланишлар ҳамда тафаккур ҳосиласи эканини унумаслик керак. Шоира орзуга етмоқ учун айни шу йўлдан бориши керак. Ўйлаймизки, нозик дидли китобхонни бу китоб бефарқ қолдирмайди.



Охунжон ҲАКИМОВ

МУҲАББАТ НАШИДАСИ

Менга сирли боқдинг, аввало,
Хаёлимни олиб маҳлиқо,
Билиб қўйгин буни, дилрабо,
Хўп этибсан ўзингга шайдо.

Тун - кечалар этиб беором,
Муҳаббатга бердириб салом,
Юрагимда илоҳий қалом,
Хўп этибсан ўзингга шайдо.

Мағрур эдим, эгибсан бошим,
Ногоҳ тўқдинг кўзимдан ёшим,
Сенсан жоним, қалбим, қуёшим,
Хўп этибсан ўзингга шайдо.

Муҳаббатим - менинг дилдошим,
Дўст вафодор, содик сирдошим,
Бўлгин, дейман, менинг йўлдошим,
Хўп этибсан ўзингга шайдо.

Ишқ ёндириди юракни ногоҳ,
Муҳаббатдан излайман паноҳ,
Бўлгин, дейман, ишқимдан огоҳ,
Хўп этибсан ўзингга шайдо.

АЁЛ ҚАЛБИ

Ошиқларга айтувчи бир сўзим бор:
Аёл учун кўнглим менинг жонисор,
Аёлнинг қалбидаги яшар муҳаббат,
У сизга севикли, садоқатли ёр,

Юрагида унинг умидлари бор,
Ҳақиқий меҳрга кўнгли интизор,
Жонига жонингиз айлангиз нисор,
Аёлнинг қалбига айламанг озор.

Хушомад илкила олманг кўнглини,
Алдов ханжарила ўйиб дилини,
Сўндираманг ҳаётнинг нафис гулини,
Аёлнинг қалбига айламанг озор.

Гулгун ҳаётини этмангиз бебаҳт,
Мадҳини куйламиш бу кун Ҳуррият,
Ҳамроҳингиз бўлсин доим муҳаббат,
Аёлнинг қалбига айламанг озор.

АЛЛА

Нурли, нурли қарофим,
Дил ёритган чирофим,
Юрак сўрар сўроғим,
Алла, жоним, алла,
Ширин жоним, алла.

Сен яшнаган бўстоним,
Диллардаги достоним,

Бу жонимга дармоним,
Алла, жоним, алла,
Ширин жоним, алла.

Дил ёритган юлдузим,
Сени кўрар бу кўзим,
Дилга жойлансин сўзим,
Алла, жоним, алла,
Ширин жоним, алла.

ЁРГА САДОҚАТ

Кўрмасанг ёрдин вафо, ўзгани сен ёр дема,
Бу ҳаёт бўстонида бисёрдир дилдор дема,
Ҳар кишига очма сен ўз сири асрорингни,
Бўлғай вафодор дема, сен уни гулзор дема.

Магар ёрнинг ҳажрида бўлса юрагинг чок-чок,
Номард сўзин сўзлама, бўлдим хўб абгор дема,
Ҳақиқий ошиқ эрсанг, жафосига бардош эт,
Сабр айлагин Ҳуррият, битди қарор дема.

ВАҲ НЕ БАЛО ЭРДИ ИШҚ

Ваҳ не бало эрди ишқ, бизни ҳайрон
 айлади,

Ишқ эмаски не ажаб тифи мужгон
 айлади.

Кўқдин пайдо бўлди ё, ердаму ё,
 билилмам,

Ўзини англатмайин кўзни гирён
 айлади.

Тун қўйнидан чиқдиму ойга васлин
кўрсатгали,
Сочидек қаро тунни ул нурафшон
айлади.
Ўртнурмен ҳажрида васлига етмоқ
тилаб,
Ман фақирга не учун васлин армон
айлади.
Чин севгиким Ҳуррият кўнглига
бергай жило,
Шу тилак-ла Лайлолар ўзни
қурбон айлади.

ОСМОНЛАРГА ҚИЗ БЎЛ, ҲУРРИЯТ

Қалбингда юз очган гул боғларинг бор,
Сунбуллар, наргизлар, ўртоқларинг бор,
Юракда афсусу дил доғларинг бор,
Осмонларга қиз бўл, Ҳуррият.

Юксакдан топасан паноҳларингни,
Булатлар бағрига сингисин дил-моҳ,
Ёмғирлар тўқсинлар гуноҳларингни,
Осмонларга қиз бўл, Ҳуррият.

Балки сени севар ҳилоллар,
Сурма асло ғалат хаёллар,
Кўрмагайсан кўқдан заволлар,
Осмонларга қиз бўл, Ҳуррият.

ЁДИНГДА ТУТ

Севганим, ёлғиз сөнга
Мен ёрлигим ёдингда тут.
Ҳар фаслда очилур,
Гулзорлигим ёдингда тут,
Бу муҳаббат савдоси
Тушмиш мани бошима,
Келса ханжар бўйнича
Иқрорлигим ёдингда тут.
Бир бечора ёнмишам,
Дилрабо ишқинг билан,
Битта дилни топшириб,
Дилдорлигим ёдингда тут.

МЕНИНГ ЮРАГИМ

Укам Ҳидоятга

Оловлар ичидаги талашдур жоним,
Миннат-ла бермангиз бир бурда
ноним,
Юракни очмоққа йўқдур забоним,
Кўнглимни Ҳақ билан тушунар онам,

Ҳуррият ёлғондан дилдора
бўлмас,
Бевафо, беорга ҳеч ёра бўлмас,
Тангри бор, ҳеч қачон бечора бўлмас,
Кўнглимни бир Ҳақу тушунар онам.

Юлдузнинг аксиман, турибман
порлаб,
Танҳоман қошимга онамни чорлаб,

Хеч қачон қўймайди бандасин хорлаб,
Кўнглимни бир Ҳақ тушунар онам.

Умид-ла узатсам сизга қўлимни,
Ёшламанг сиз менинг мурғак дилимни,
Ҳаммага етади асли бу дунё,
Жигарим, тиламанг менга ўлимни.
Кўнглимни Ҳақ билан тушунар онам.

Сўзлардан қақшади юракларим-ей.
Парчаланиб кетди сўнгакларим-ей,
Сизга ҳам омонлик берсин худойим,
Боғимда сен гулу рапхон эдинг-эй,
Жойингни жаннатдан қилсин худойим.

ЖОНОНИМ МЕНИНГ

Гулгун юзини кўргузиб келса жононим менинг,
Дарду ғамни ўлдуриб жонга дармоним менинг.
Ғам била тўлди юрак, очмам сиримчи ўзага,
Етса бас маҳбубима оҳу авғоним менинг.

Беҳишт аро нур сочиб ойдек юзидин дилбарим,
Кел қошима гул сочиб моҳитабоним менинг.
Андоғ гулни изладим, топмадим ҳеч чамандан,
Ҳар фаслда очилур гулу хандоним менинг.

Қатра-қатра бол томур сўзлаганда маҳвашим,
Андоқ тилнинг ёнида унсиз забоним менинг.
Чорладимки хастамен, кел қошима, эй санам,
Ушбу дардға йўқ эрур ўзга дармоним менинг.

Дунёда танҳо эрурсан сарву қадли лобарим,
Ул қадингки беқиёс, руҳи равоним менинг.
Гунча ҳолимни кўрсун, забун эрур оҳ нечун,
Лаъли лабини кўриб лаъли бадахшоним менинг.

Ул паривашни севиб, қилмадим хато дерман,
Магар етсам васлига, йўқдур армоним менинг.
Ёридан бўлмоқ жудо эрмас яхшининг иши,
Хуррият, ишқ йўлида садқадур жоним менинг.

ИЛТИЖО

Уйимизда, бегим, ўчмасин чироқ,
Болаларим ҳаргиз чекмасин фироқ,
Ўзгалар ўрнимни боса олмайди,
Ўз бағрига мени яширди тупроқ,
Сиз мени унутманг, илтимос, бегим.

Қўлингиз силади ғариб бошини,
Ёшингиз ювади қабр тошимни,
Кечиринг, уйингиз фариштаси йўқ,
Ажал заҳарласа нетай ошимни.
Сиз мени унутманг, илтимос, бегим.

Чамандан ўзга гул уза кўрмангиз,
Ўзга гулбоғларни кеза кўрмангиз,
Онам, деб айтолмас ўзгани фарзанд,
Юракни икки бор безай кўрмангиз,
Сиз мени унутманг, илтимос, бегим.

КЕЛИНЧАК АРМОНИ

Сенга эдим маъсум келинчак,
Тебратгандим энди беланчак.
Ажалнинг қўлида нобуд бўлдиму
Мұҳаббат ҳадяси яшнаган чечак,
Қаро ер бағрида ётган севгилим,

Юракни ўртайди туганмас нолам,
Не учун бағримни ёқмасин алам,
Мен қандай фироққа кўндирай ахир,
Отасини сўраб йиғласа болам,
Қаро ер бағрида ётган севгилим.

Тонг отиб улгурмай, юлдузим,
 сўндинг,
Жаннатлар бағрига балки сен
 қўндинг,
Руҳингни жонимда асраб юраман,
Қабримда бойчечак мисоли ундинг,
Қаро ер бағрида ётган севгилим.

Бир зулмат әгаллаб олди уйингни,
Қарғалар чаларму булбул куйингни.
Юрагим ўртаниб боргани сари,
Софиниб боряпман зебо бўйингни,
Қаро ер бағрида ётган севгилим.

Ўрнингни босолмас ота ё онанг,
Таскинлар берса ҳам дўсту, бегонанг,
Яратган Оллоҳга топширдим сени,
Ўзи бўлсин сенинг ҳамдард, ҳамхонанг,
Қаро ер бағрида ётган севгилим.

Үйқум қочар, ёстиққа ётсам,
Хаёлинг бағрига ўзимни отсам,
Үзгалар менга ёр топавермасин,
Жувонмарг бўлайин, қалбимни
сотсам,
Қаро ер бағрида ётган севгилим.

Қабрингнинг тошини силайди қўлим,
Ўзгалар томонга очилмас йўлим,
Инсонлар зору зор йиғламас эди,
Ер юзида агар бўлмаса ўлим,
Қаро ер бағрида ётган севгилим.

АЙЛАНАЙ

Асир айлаб, дилбарим, қилдинг юз минг
жилвалар,
Бор ҳуснингни кўргизиб қилдинг ҳайрон,
айланай.
Ўйинг бирлан оворамен Мажнун каби,
маҳвашим,
Қолмади мен кезмаган чўлу биёбон,
айланай.
Жонон қилдинг тараҳҳум, бир зум
қошимдан кетмайин,
Ишқ кўйида қилурсан энди сарсон,
айланай.
Ғам, алам дардини чекдим, топсам
ҳамки кўп жафо,
Ўзинг айтгин, азизим, нечун ҳижрон,
айланай.
Ҳар зулматни ёритур ойдек юзингнинг
шуъласи.

Кел қошима нур сочиб моҳитобон,
айланай.

Коронғу эрди дилим, солдинг анга
ишқингни,

Энди боқсам мен анга, ул нурафшон,
айланай.

Бу юракнинг дардига топмадим
хеч чоралар,

Энди билсам, сен ўзинг анга дармон,
айланай.

Кездим жаҳонни, ахтариб дилдорим
изларин,

Сендин ўзга ҳеч эрмас ороми жон,
айланай.

Жабру ғамингни тортсаму ғаним
кўрса меҳрингни,

Борму менга ўзга ғам, сарви равон
айланай.

Сўзларинг гавҳарини тердим юракка
дур қилиб,

Кел қошима, интиқмен, ширинзабон
айланай.

Қилдим кўкка нолалар, ётса бас
оҳим дея,

Якка ўзи Оллоҳим чин меҳрибон,
айланай.

Чин ошиқлар қайтмагай ишқ
йўлидин ҳеч қачон,

Не бахт эрур сен учун бўлсам қурбон,
айланай.

Хуш наво қилди булбул ўз гулини
мадҳ этиб,

Гул нишида кулди ул гарчи нолон,
айланай.

Қадам ранжида айлаб юрсанг
чүллар сайр этиб,
Кўз очиб юммай бурун ул бир бўстон,
айланай.

Келса ханжар бошима ўз ишқимга
иқрормен,
Хар недин ҳам бебаҳо ишқ бегумон,
айланай.

Эй Ҳуррият, кўзласанг ёрнинг васлини
агар,
Қилмағил беҳудага оҳу фифон,
айланай.

НОМАРДГА ЖАВОБ

Юрагимни асир этдинг ой,
Сенда бордур назокат, чирой,
Юрак эмас ахир қотган лой,
Алдовни хуш кўрмайман, аммо-
Номардга бош эгмайман асло,

Мисли ипак бўлиб мулоим,
Дейсиз аста, гўзал гулойим,
Бандасиман холиқ, худойим,
Алдовни хуш кўрмайман, аммо-
Номардга бош эгмайман асло,

Ишқинг билан тунларим бедор,
Ёлғон сўзлар юраклар маккор,
Ҳуррият дер, қалбида озор:
Алдовни хуш кўрмайман, аммо-
Номардга бош эгмайман асло.

ОНА МАДҲИЯСИ

Онажон, сизсиз фақат-
Йўлимда зорим менинг,
Мадҳингиз куйлаб энди
Сайрасин торим менинг,
Узоқ юрсам сафарларда,
Мени кутгай саҳарларда,
Тунлари бемаҳалларда,
Хўп интизорим менинг.

ҲАҚҚА ОШИҚЛИК

Эй, санам, жабр айлама,
сендан дунёлар истамам,
Ишқимни рад айлама,
дилраболар истамам,
Ўзганинг меҳрин эмас, сенинг
жабринг тортайин,
Кечмагайман зарра сендан,
меҳри дарёлар истамам,
Гар ошиқлар сочсалар
бошим узра олтину зар,
Севмагайман мен аларни,
заррин матолар истамам.
Бу беш кунлик дунёсида
дардмандга этмам озор,
Дилозорликдин ўзимга
юз минг жафолар истамам.
Этса ҳамки бу жоним
танамни тарк,
Шул дами ҳам бандаман,
юз минг худолар истамам,

Эй, Ҳуррият, йиғлама, бу оламда
йўқ рафиқ,
Оллоҳ, Оллоҳ, сендин ўзга
ошинолар истамам.

МУҲРИДДИН ҲОЛИҚОВ ХОТИРАСИГА

Айрилиқдан ёнади бу дил,
Бўстонимдан учди бир булбул,
Булбулнинг ҳажрида йиғлайди кўнгил,
Бу дунёдин кетди Муҳриддин,
Биз лол эдик қўшиқ сеҳридин.

Ҳуррият қоғозга тўқади ғамин,
Шеърида намоён ҳасрат, алами,
Азизлар ёди деб чарчамайди у,
Яна қўлга олур нурли қаламин.
Бу дунёдин кетди Муҳриддин,
Биз лол эдик қўшиқ сеҳридин.

ЎЗ ҲОЛИМГА ҚЎЙИБ БЕРСАНГ БАС

Тун чоғида сурсам гар хаёл,
Сўрма мендан бу дам ҳеч савол,
Хаёлларим айлама малол,
Ўз ҳолимга қўйиб берсанг бас.

Ногоҳ сирим айтсам япроққа,
Хаёл билан учмас йироққа,
Тилим лолдур, қўйма сўроққа,
Ўз ҳолимга қўйиб берсанг бас.

Хаёл орзум айлар мұхайё,
Күз олдимда ястанур сахро,
Сирлашганда мен билан дунё,
Үз ҳолимга қўйиб берсанг бас.

Оқшом чоғи йиғлаб қолсам гар,
Бағрим ёқиб тиғлаб қолсам гар,
Ширин хаёл йўқлаб қолса гар,
Үз ҳолимга қўйиб берсанг бас.

Булбул билан айласам наво,
Неларни дур айлаб илтижо,
Истасанг де, бу телбанамо,
Үз ҳолимга қўйиб берсанг бас.

Юрагимга солдинг мұхаббат,
Ишқи учун яшар Ҳуррият,
Ширин хаёл сурганда фақат
Үз ҳолимга қўйиб берсанг бас.

ҲУРРИЯТИНГМАН

Юлдуз ҳам әмасман, кўқдаги Зуҳро,
Гарчи йўқдур давлатим, дунём,
Ишқинг билан яшайман танҳо,
Яхши ёр, дилдошинг - Ҳурриятингман,
Вафодор, сирдошинг - Ҳурриятингман.

Бу дунё беш кунлик азизим ишон,
Гўёки синовга яралур инсон,
Кетгусидур бундан яхшию-ёмон,
Яхши ёр, дилдошинг - Ҳурриятингман,
Вафодор, сирдошинг - Ҳурриятингман.

Ишқинг осмонида ҳилолинг бўлай,
Қалб ғуборинг ювган зилолинг бўлай,
Вужудинг қамраган хаёлинг бўлай,
Яхши ёр, дилдошинг - Ҳурриятингман,
Вафодор, сирдошинг - Ҳурриятингман.

Ширин сўзларингнинг адоси менман,
Қаро кўзларингнинг гадоси менман,
Демоққа ҳақлисан, азизим, ишон,
Яхши ёр, дилдошинг - Ҳурриятингман,
Вафодор, сирдошинг - Ҳурриятингман.

АРМОН БИЛАН

Хаёл чўлғаб эгилган бошим,
Ўн олтига етибди ёшим,
Кўзларимда шашқатор ёшим,
Дил ёнар ҳижрон билан.

Ишончим қолмади дунёга,
Очмам сиримни ҳеч ошнога,
Етса бас оҳим ёлғиз худога,
Ишим йўқ инсон билан.

Бу оламда йўқдур дилдошим,
Лекин номард эголмас бошим,
Кўкда ою қуёш сирдошим,
Сирлашурман осмон билан.

Номардларга жонона бўлмам,
Ҳеч кўнглига парвона бўлмам,
Бевафога девона бўлмам,
Дил яшар виждан билан.

Йиғлатма сен Ҳурриятингни,
Оқлайин чин муҳаббатингни,
Ҳеч кўрмайин хиёнатингни,
Қалб ёнар армон билан.

ФАҚАТ СЕН АСРАГИЛ МУҲАББАТИМНИ

Ишқ бοғига қадам қўйдирдим ўзим,
Ўшал ёрни сенга сўйдирдим ўзим,
Ишқ оловида дилинг куйдирдим ўзим,
Фақат сен асрагин муҳаббатимни.

Уни булбул, сени гулзор айлагум,
Ишқинг бирлан тунлар бедор айлагум,
Жонига жонингни нисор айлагум,
Фақат сен асрагин муҳаббатимни.

Яратдим мен ўзим икки дунёни,
Сени асири этган ўшал барнони,
Ишқ учун фарқи йўқ шоҳу гадони,
Фақат сен асрагин муҳаббатимни.

Дилингни ёритгани қуёшинг бўлай,
Англадим сирингни, сирдошинг бўлай,
Яшнайман қалбингда, қалбошинг бўлай,
Фақат сен асрагил муҳаббатимни.

АЗИЗИМ

Бу хонликнинг тахти ҳам,
Номардларнинг аҳди ҳам,
Инсон умри вақти ҳам,
Бари ёлғон, азизим.

Қулоқ беринг садога,
Учманг кибру ҳавога,
Юлдуз бўлманг самога,
Осмон баланд, азизим.

Кетолмайсиз йироққа,
Тақдир қўйса сўроққа,
Бош қўяди тупроққа
Яхши – ёмон, азизим.

Меҳмондурмиз дунёга,
Ёлғон ёруғ зиёга,
Тавба қилур худога
Ҳамма инсон, азизим.

Сайр айласам гулшанда,
Булбулим Сиз чаманда,
Ёнур дилим гулханда,
Дилда ҳижрон, азизим.

Кетманг мендан йироққа,
Нур бўлинг сиз қароққа,
Ташласангиз фироққа,
Ўти ёмон, азизим.

Қўлга олай созимни,
Куйлай Сизга розимни,

Тингланг ушбу сўзимни,
Қилманг армон, азизим.

Севгим Сизга чии дилдан,
Жой берайин кўнгилдан,
Ҳамма ўтар бу йўлдан,
Бўлиб карвон, азизим.

Бўлсам Сизга интизор,
Ўтса тунларим бедор,
Кутган-ла битмас қарор,
Ишқ бегумон, азизим.

Хуррият дилдор бўлмас,
Бевафога ёр бўлмас,
Тангри бор, ночор бўлмас,
У меҳрибон, азизим.

СОФИНЧ ҚЎШИФИ

Ошифингман, эй дилбар,
Осмонимда сен ҳулкар,
Дардим айтсан, эй лобар,
Сени соғиндим раъно.

Сен яшнаган бўстоним,
Ширин бўйлирайхоним,
Бу жонимга дармоним,
Сени соғиндим раъно.

Ишқдан қалбим мусафро,
Сендири дардимга даво,

Бўлгин энди ошино,
Сени соғиндим раъно.

Кўнглим соғинч маъвода,
Ишқим сендай барнога,
Раҳм қилгил шайдога,
Сени соғиндим раъно.

* * *

Кел ёнимга, гўзал, кўзлари хумор,
Сен бор ерда мангуб яшилдир баҳор,
Кутай майли бесар тунлари бедор
Сени соғиндим, дилдор.

Хуррият, дилингни нимталар фироқ,
Ва лекин юрмагин ишқингдан йироқ,
Бир куни нурларга тўлгуси қароқ,
Сени соғиндим, дилдор.

ХАЁЛ СУРСАМ, БУЗМАГИЛ АСЛО

Ишқ осмонин тўлдирса ҳилол,
Қалбим недан топганда завол,
Сўрма мендан бу дамда савол,
Хаёл сурсам, бузмагил асло.

Керак эмас давлату дунё,
Мен чиндан-да ошиқу шайдо,
Хаёлинг-ла юрибман танҳо,
Хаёл сурсам, бузмагил асло.

Илисин нурингдан юрагим, қуёш,
Оламлар аксидур кўзимдаги ёш,
Фақат сен тушунгин, бўлма бағритош,
Хаёл сурсам, бузмагил асло.

Дилда қанча истагу мурод.
Ҳеч кимдан мен топмадим нажот,
Хаёл сурсанг телба, дер ҳайҳот,
Хаёл сурсам, бузмагил асло.

Тақдир менга айлади жафо,
Кимларгадир қилди у вафо,
Сендан топгум дардимга даво,
Хаёл сурсам, бузмагил асло.

Тақдир бизни ҳайрон қилмасин,
Дилимизни вайрон қилмасин,
Муҳаббатда сарсон қилмасин,
Хаёл сурсам, бузмагил асло.

Гоҳ тунларни ўтказсам бедор,
Қўнмасин дилингга шубҳа ва ғубор,
Ҳуррият севгиси ўзингга ошкор,
Хаёл сурсам, бузмагил асло.

ШИФОКОРГА

Сизни кўриб ҳайратда дунё,
Кўнгилларга бергайсиз зиё,
Доим қўллар сизларни худо,
Минг ташаккур, азиз шифокор.

Бағримизни тирнаса армон,
Сиз бўлгайсиз жонларга дармон,
Номи улуф ҳазрати инсон,
Минг ташаккур, азиз шифокор.

Сиз бор ерда мангудир баҳор,
Қалбимизга қўнмагай ғубор,
Қўлингиз дард кўрмасин зинҳор,
Минг ташаккур, азиз шифокор.

Мехрингиздир мисоли қуёш,
Даркор бўлса, бўлгайсиз сирдош,
Дўстимизсиз, ҳақиқий дилдош,
Минг ташаккур, азиз шифокор.

Сўзингиздан томади новвот,
Сиз мўъжиза, сизда бор нажот,
Сиз биландир энг баҳтли ҳаёт,
Минг ташаккур, азиз шифокор.

СЕНГА ҲАМ ОМОНЛИК ТИЛАЙМАН, ФАНИМ

Ит каби шарпасиз пойлама изим,
Фийбатни қўятур, эшитгин сўзим,
Кўзингга жовдираб турибди кўзим,
Сенга ҳам омонлик тилайман, фаним.

Ярадор кўксимга тошлар отмагин,
Қалбимда мангуга музлаб қотмагин,
Устимдан кулмагин, қаҳ-қаҳ отмагин,
Сенга ҳам омонлик тилайман, фаним.

Ҳасаддан дардингга топмайин чора,
Чопладинг оламнинг юзига қора,
Сенга ҳам бир эрмак топилса зора,
Сенга ҳам омонлик тилайман, фаним.

Тақдир бу бошимга солғанда кулфат,
Билинди ёлғондан эканинг улфат,
Қарғамоққа сени топмадим журъат,
Сенга ҳам омонлик тилайман, фаним.

Дўсти бой бўлса гар, ўпиб оёғин,
Камбағални ўйиб дилу қарогин,
Унутмагин ҳаргиз тангри сўроғин,
Сенга ҳам омонлик тилайман, фаним.

Мугомбир юзингга берасан пардоз,
Тилингни учиди қиласан эъзоз,
Йироқ юр, дейдилар Охунжон устоз,
Сенга ҳам омонлик тилайман, фаним.

Шижаот қўшилиб оқади қонда,
Йифлатмоқ бўласан, қолгин армонда,
Ҳозирча яшайсан енгил давронда,
Сенга ҳам омонлик тилайман, фаним.

МАРСИЯ

Чиндан ёлғон экан бу дунё,
Жонни тандан қиларкан жудо,
Юрагимни ўяр бу нидо,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Ҳар сўзида бор эди жоду,
Кўрмоқ эди мен учун орзу,
Қалбимиизда яшайсиз мангу,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Қиёсингиз топдим булбулдан,
Қайғу-алам жой олди дилдан,
Орзум - юрмоқ сиз юрган йўлдан,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Юракка босдими ажал муҳрини,
Болалар қўмсайди ота меҳрини,
Ўлганда биламиз инсон қадрини,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Гулларга ўралсин унинг мозори,
Оҳ, бунча қаттиқдур тақдир озори,
Йиғлаб қолди зор-зор дилдори,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Бунда ҳеч ким бўлолмайди шоҳ,
Барча кетар, бўлингиз огоҳ,
Кўқдан юлдуз қулади ногоҳ,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Одамнинг ичидан чиқаркан ола,
Сўзимни тушунмоқ сизга ҳавола,
Баҳори кетмасдан сўнибди лола,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Оташда ёндику азобланиб жон,
Мунгли йиғлаб тураг Андижон,
Қайларга кетди-я ўшал мард ўғлон,
Қайлардасиз, устоз Муҳаммад?

Дилларни ёндирап оху-фиғоним,
Булутлар қоплаган қора осмоним,
Рухи-ла биргадур рухи равоним,
Қайлардасиз, устоз Мұҳаммад?

Жон билан қүшилиб түкилди тилак,
Ва лекин рақиблар бузмади пинак,
Уришдан түхтади оташин юрак,
Қайлардасиз, устоз Мұҳаммад?

Оллоҳдан ўзимга сўрайман сабр,
Ҳеч кимга вафолар қилмайди умр,
Ердамас, қалбимда сиз ётган қабр,
Қайлардасиз, устоз Мұҳаммад?

Елларга сўзладим кўнглимнинг розин,
Шеърини соғиниб йиғлайди созим,
Ҳуррият ёд олар азиз устозин,
Қайлардасиз, устоз Мұҳаммад?

ЖОНИМ ФИДО БЎЛМАСМИДИ?!

Андалиб гул ҳуснини кўргач шайдо
бўлмасмиди,
Кўнгил севмас эрса гар сендан жудо
бўлмасмиди?!
Хуш қаддидин нусха олмиш ушбу
чаман гуллари,
Ул бўлмаса сарвлар бунча зебо
бўлмасмиди?!
Гулни кўркам дея, камситмангиз
райхонни ҳеч,

Бўй сочмаса чаманға, гуллар аро
бўлмасмиди?!
Кўнгилки ошнолиғ истади ул
маҳваш ила,
Келар бўлса қошима, жоним фидо
бўлмасмиди?!
Гулгун лабига рашк этиб ёнди
атиргул оҳ нечун,
Ёр ҳуснидин бермаса ул ҳам пайдо
бўлмасмиди?!
Ўз кўнглингни шоҳисан, билсанг,
Хуррият, сен мудом,
Ишқ дебон тахтни ташлаб шоҳлар
гадо бўлмасмиди?!

* * *

Қалби тошдек музлаган аёл...
Бошгинамда айланиб хаёл,
Юракни ёндирав бир савол.
Шунчалар қаҳрли бўларми она?!

Куймас фарзанд деб зарра жони,
Аксидур, турткилаб тўқади қонин,
Эркалаб едирмай бир бурда нонни,
Шунчалар қаҳрли бўларми она?!

Ўзга бир тақдирни қилади орзу,
Бойлик деган сўз қилибди жоду,
Аслида буларнинг барчаси оғу,
Шунчалар қаҳрли бўларми она?!

Бошин силар балки қариндош,
Ота унга бўлади сирдош,

Ёмонликка бўлибди йўлдош,
Шунчалар қаҳрли бўларми она?!

Жазоламанг, ҳазрати инсон,
Гар кўксини тирнаса армон,
Фойдасиз ва лек сўнгги пушаймон,
Шунчалар қаҳрли бўларми она?!

Ташлаб кетиб мунис ёрини,
Сотиб номус иффат, орини,
Тиллаларга алишди наҳот,
Бутун бахти, умид борини,
Шунчалар қаҳрли бўларми она?!

Ҳамиша булутли бўлмайди осмон,
Борлиқни офтоб айлар чароғон,
Хуррият, бой бўлма, йўқотма виждон,
Шунчалар қаҳрли бўларми она?!

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРГА

Ул паривашдин яна

Неча зуғум чекди кўнгул ул
паривашдин яна,
Жудолик топди бу дил ишқда
йўлдошдин яна,
Куйида оворамен ўртанур дил
фироқида,
Бир тараҳхум кўрмадим
ул қалам қошдин яна.
Мужгон ўқини отдию кўксимни
абгор этиб,

Қон тиларму билмадим
күздаги ёшдан яна.
Ошно тутиб рақибим рашк
үтида ўртамиш,
Зорим бору зўрим йўқ
ул бағри тошдин яна.
Ёндириғил Ҳуррият сен ўзингни
ҳеч қачон,
Неки ўтса сабр эт бу фариб бошдин яна.

КЎРМАСАМ

Ишқ аро ҳолим забун ўлди, дўстлар,
билсангиз,
Қолмади ҳеч қарорим дилрабони кўрмасам.
Мажнун каби ҳолатим, аммо ўзим шоҳонаман,
Мажнун бўлмоқ не учун чўл саҳрони кўрмасам.
Кетурман бош олиб бир кун бепоён даштлар аро,
Тэпурманми қаноат ўшал Лайлони кўрмасам.
Ўти анбар сочадур ер юзиға париваш,
Бир ўзимға келтирас боди сабони кўрмасам.
Тингламас оҳим нечун, мен булбули чин шайдо,
Найларам бу чаманда гулираънони кўрмасам.
Майли тортгум жабрини, бурмам юзумни ҳеч қачон,
Ул шўхи ситамгардин меҳру вафони кўрмасам.
Чин ошино манға ҳақ, айтгум сиримни бегумон,
Даркор эрмасдур мано дўст ошнони кўрмасам.
Ҳуррият бағрини айлар эрди чок-чок дўстлар,
Кувонмас эрди асло нури худони кўрмасам.

ОТА МАДХИЯСИ

Сиз отаю мушфиқ зоримсиз,
Менинг толмас мададкоримсиз,
Номус ила умид оримсиз,
Омон бўлинг, отажон.

Номард эгмай ўтди бошингиз,
Бир асрга етсин ёшингиз.
Биз оқлайлик ҳалол ошингиз,
Омон бўлинг, отажон.

Болам бўл, деб, қалби мусафро,
Сўзин дилда сақлар доимо.
Яхшиликлар бўлмагай адо,
Омон бўлинг, отажон.

Кутма, дейсиз, ҳар кимдан вафо,
Бу сўзларда бир олам маъно,
Хуррият тилидаги муддао,
Омон бўлинг, отажон.

ГЎДАК НОЛАСИ

Икки ёшга тўлганда,
Меҳрга зор бўлганда.
Отажоним уйланди,
Онажоним ўлганда.

Миннатсиз емадим бурда нонимни,
Калтаклаб эздилар мурғак жонимни.
Ҳеч кимни ўзидан қолдирма худо,
Билмайман йифисиз ўтган онимни.

Ғам билан ўтибди болалик чоғи,
Юракдан кетмайды аламлар дөғи.
Ҳеч бир ниҳол ҳазон бўлмасин,
Парваришиз қолганда боғи.

Менга ҳам баҳт берибди ҳаёт,
Ўғил, қизим ўзимга қанот.
Сабр берган эгамга шукр,
Шу кунларни кўрибман наҳот.

Оналар ҳамиша бўлсинлар омон,
Гўдаклар ранглари бўлмасин сомон.
Онанинг ўрнини босолмас ҳеч ким,
Бирор қўлида хор бўлиши ёмон.

ОНАМ СИРДОШИМ

Шоҳи рўмол бошимда,
Қайгулар кўз ёшимда,
Парвонасиз, онажон,
Кеча-кундуз қошимда.

Ёниб турар кўзингиз,
Гулдан гўзал юзингиз,
Ардоқлаб ўстирдингиз,
Онажоним ўзингиз.

Сиздир баҳтим чироги,
Кўзларимнинг қароги,
Тонгдек равшан кўзингиз,
Сўзингиз иш яроғи.

Гўзал сиз-ла ҳаётим,
Учар бўлсан қанотим,

Дўстим сирим сотганда,
Ёлғизгина нажотим.

ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК, ОНА!

Номингиз куйласам, кулади дунё,
Гулзорга айланур оловли саҳро,
Сизга шундай қудрат бергандур худо,
Туфилган кунингиз муборак, Она!

Меҳрингиз гулидири очилган лола,
Шу меҳр-ла куйлаб айтдингиз алла,
Эй фарзанд, онангнинг бахтини куйла,
Туфилган кунингиз муборак, Она.

Бизни деб кечалар ўтказиб бедор,
Зум кетсам йўлларга боқиб интизор,
Мадҳингиз куйлайин тақрор ва тақрор,
Туфилган кунингиз муборак, Она!

Фарзандга танингиз қилиб сиз фидо,
Бағрингиз кенг эрур мисли бир дарё,
Меҳрингиздан абад бўлмайлик жудо,
Туфилган кунингиз муборак, Она!

Номингиз куйласам тарагур зиё,
Пойингизга чўккай шоҳ ила гадо,
Онангдур Ҳуррият, вафодор танҳо,
Туфилган кунингиз муборак, Она!

МАРСИЯ (Охунжон Мадалиевга)

Қоши қаро, қадди ниҳолдан,
Ишқа содик ошуфта дилдан,
Қўшиқлари қалбга маталдан,
Охунжондан айрилди халқим.
Бир қаноти қайрилди халқим.

Хуш сўзлари ақлли, доно
Алдовни хуш кўрмасди асло,
Қайда бу кун ул азиз сиймо,
Охунжондан айрилди халқим,
Бир қаноти қайрилди халқим.

Сизни гулга ўрагим келар,
Сизни эслаб йиғлагим келар,
Сиздан нажот сўрагим келар,
Охунжондан айрилди халқим,
Бир қаноти қайрилди халқим.

Мундарижа

Мұхаббат нашидаси.....	4
Аәл қалби.....	5
Алла.....	5
Ёрга садоқат.....	6
Ваҳ не бало эрди ишк.....	6
Осмонларға қыз бўл, Ҳуррият.....	7
Ёдингда тут.....	8
Менинг юрагим.....	8
Жононим менинг.....	9
Илтижо.....	10
Келинчак армони.....	11
Айланай.....	12
Номардга жавоб.....	14
Она мадҳияси.....	15
Ҳаққа ошиқлик.....	15
Муҳриддин Ҳолиқов хотирасига.....	16
Ўз ҳолимга қўйиб берсанг бас.....	16
Ҳурриятингман.....	17
Армон билан.....	18
Фақат сен асрагил муҳаббатимни.....	19
Азизим.....	20
Софинч қўшиғи.....	21
Хаёл сурсам, бузмагил асло.....	22
Шифокорга.....	23
Сенга ҳам омонлик тилайман, ғаним.....	24
Марсия.....	25
Жоним фидо бўлмасмиди?!	27
Заҳириддин Муҳаммад Бобурга.....	29
Кўрмасам.....	30
Ота мадҳияси.....	31
Гўдак ноласи.....	31
Онам сирдошим.....	32
Түғилган кунингиз муборак, она!	33
Марсия.....	34

Адабий-бадиий нашр

**Ҳуррият Бобоназарова
«МУҲАББАТ НАШИДАСИ»
(Шеърлар)**

Муҳаррир:
Техн. муҳаррир:
Мусаххих:

Толиб Носир
Б. Каримова
Сенара Эргашева

‘Геришга берилди 7.04.2005 йил. Босишга рухсат этилди 13.04.2005 йил.
Бичими 60x84/16. Ҳажми 2,25 шартли босма тобоқ. Адади 1035 нусха.
Буюртма № 720. Баҳоси келишилган нархда.

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ босмахонасида босилди.
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71-уй.